



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 3 август, № 165 (8227)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия вазирларининг биринчи кўп томонлама учрашуви тадбирларида иштирок этаётган Озарбайжон Республикаси делегациясини қабул қилди.



Озарбайжон томонидан ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов, иқтисодий вазири Микойил Жабборов ҳамда рақамли ривожланиш ва транспорт вазири Рашад Набиев қатнашди.

Биродар давлатларимиз етакчиларининг келишувлари мувофиқ Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Озарбайжон ташқи ишлар вазири Ўзбекистон раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Томонлар яқинда ўтган олий даражадаги учрашудан сўнг сезиларли муваффақиятларга эришилганини мамнуният билан қайд этдилар. Утган ойда нефть-газ ва кимё тармоқларида, ипакчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари-

да, шунингдек, миллий индустриаллаштириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш учун делегацияларнинг ўзаро таширлари фаол давом эттирилди.

Куни кеча Тошкент шаҳрида икки томонлама Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Бугун эса учала мамлакатнинг ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг учрашувида,

энг аввало, минтақада самарали транспорт коммуникацияларини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликка доир лойиҳа ва дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш, шу жумладан, Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция фондиди ташкил этиш, ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш, бирин-

чи Худудлар форуми ва саноат кўргазмасини ўтказиш, эркин иқтисодий зоналар негизда кооперация учун шароитлар яратиш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистонда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ САМАРАЛИ ИШГА СОЛИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни «Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия» форматидаги биринчи вазирлар учрашувида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Туркия делегацияси таркибидан учрашувда савдо вазири Меҳмет Муш ҳамда транспорт ва инфратузилма вазири Одил Қораисмоилўғли қатнашди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни олий даражада эришилган келишув-

ларни амалга ошириш доирасида янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида вазир Мавлуд Чавушўғли давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Туркия томони Янги Ўзбе-

кистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва сиёсий янгиланишлар дастурини, шунингдек, мамлакатимизнинг, энг аввало, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муносабатларини мустақамлашга қаратилган ташқи сиёсатини ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қўламли стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб, амалий ҳамкорлик мустақамлашни бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари жадал сурият билан ўсиб бормоқда, фаол гуманитар алмашинулар давом этмоқда. Улкан ҳамкорлик салоҳиятидан, шу жумладан, худудларо алоқаларни фаоллаштириш орқали самарали фойдаланишга қаратилган Ўзбекистон ва Туркия етакчиларининг келишув ва қарорларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Савдо, инвестициялар, инновациялар, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кўшма кооперация лойиҳалари ва дастурларини тезлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонларни Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табрикланди.

Минтақавий кун тартиби, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланишига кўмаклашиш ҳамда жорий йилнинг кузига Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик кўриш масалалари юзасида фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмоновни қабул қилди.

Амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳамда миллатларо тўтувлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасида кўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

ЕХҲТ институтлари билан устувор йўналишларда — хавфсизлик, иқтисодий ва экология соҳаларида, гуманитар йўналишдаги конструктив мулоқот ва сермажсул ҳамкорликнинг бугунги даражаси мамнуният билан қайд этилди. Ўрта муддатли истиқболда қарийб 50 та тадбирни ўтказиш назарда тутилган «Йўл харитаси» биргалликда амалга оширилмоқда.

Учрашувда Олий комиссар мамлакатимизда бағрикенглик ва гуманизм маданиятини ривожлантириш, миллатларо ва фуқароларо англашув ва тўтувликни таъминлаш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган сиёсатга юксак баҳо берди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини мустақамлаш, Афғонистоннинг тинч ривожланиши ва иқтисодий тикланишига кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Қатор кўшма тадбирлар — миллатларо тўтувлик масалалари бўйича минтақавий семинар, халқро тажриба ва ЕХҲТ тавсияларининг тақдимотини ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон делегациясининг миллатларо муносабатлар муаммосига бағишланган давра суҳбатидан иштирок этиши юзасида келишувларга эришилди.

Кўп тили таълим соҳасида, шу жумладан, Марказий Осиё таълим дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ Тўғрисида

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, қадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир. Айнан миллий мустақиллик эл-юр-

тимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақам замин яратиб, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда, дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар туфайли юзлаб келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижа-

ларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқароши ўзгариб, улар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётда ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

(Давоми 2-бетда).



Учрашув

ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБАЙЖОН ВА ТУРКИЯ ВАЗИРЛАРИ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСINI ИМЗОЛАДИ

2 август куни Тошкентда «Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия» шаклида ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи кўп томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазира-сини бажарувчи Владимир Норов, Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Ҳўжаев,

транспорт вазири Илҳом Маҳамов, Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов, иқтисодий вазири Микойил Жабборов, транспорт вазири Рашад Набиев, Туркия ташқи

ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли, савдо вазири Меҳмет Муш, транспорт ва инфратузилма вазири Одил Қораисмоилўғли иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадри, шаъни ва гурурини етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тўтувлик, диний барқироклик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган беқиёс кунга айланиб бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва муҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва ушбу кўтлуг санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида муҷассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарбиёт-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А.Арипов):

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонлашнинг таъминланши;

барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фильм алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини йўлга қўйсин;

белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирилик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам ривожда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак ҳаёт ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгда юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш;

мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва оқойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш;

бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик қўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижаларини кўрсатиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазири (О.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ҳожиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

ушбу концерт томошасини тажрибали ижодкорлар ҳамда юқори малакада мухтаassisларни жалб этган ҳолда, юксак гоғавий-бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазири (О.Назарбеков), Бадий академия (А.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов), Ўзбекистон

Журналистлар уюшмаси (О.Ўсаров), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Литопов) тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуғ, энг азиз”, “Раглар жилосида — она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), “Дунё” ахборот агентлиги (С.Суярлов), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш.Қудратхўжа) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрафлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 1 август

ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБАЙЖОН ВА ТУРКИЯ ВАЗИРЛАРИ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСINI ИМЗОЛАДИ

Тадбир олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашнинг амалий механизmlарини ишлаб чиқиш мақсадида уюштирилди. Учрашув кун тартибидан ташки сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва сармоғавий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация тармоғида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш масалалари ўрин эгаллади.

Учрашув иштирокчилари уч мамлакат ўртасидаги ташки сиёсат, савдо-иқтисодий ва сармоғавий, транспорт-коммуникация соҳаларида алоқаларни фаоллаштириш ва уларнинг истиқболларини муҳокама қилди.

Ташки сиёсат, савдо, иқтисодиёт ва транспорт масалаларига масъул бўлган вазириликлар раҳбарлари иштирокидаги “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия” уч томонлама биринчи йиғилишини Ўзбекистон ташки ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов очди. У ўз сўзида халқаро муносабатларда ҳамда глобал иқтисодиётда кенгаётган жадал ва ноодатий жараёнлар ҳисобга олинганда “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия” мулоқот форматини тузиш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз кўпгина халқаро масалалар бўйича муштарак нуқта назарларини намоён этмоқда, чунки биз бир мақсадда — туркий дунёнинг барқарор ва ўсувчанлиқда ривожланиши фикрида яқдиллиқ, — деди В. Норов. — Биз жорий йил ноябрь ойида Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитини Ўзбекистонда муваффақиятли ўтказишга тайёргарлик борасида ҳам яқин ҳамкорлик қилишга чоғланганимиз.

Мазкур учрашувни ўтказиш ташаббуси Озарбайжон томонидан илгари сурилиб, Ўзбекистон ва Туркия уни қўллаб-қувватлади. Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “тўсиқларсиз Марказий Осиё”ни яратиш, одамлар ва товарларнинг эркин ҳаракатланишига ҳалал бераётган жиҳатларни бартараф этиш мақсадида минтақалараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ташаббусига тўлиқ мос келади. Ўзбекистон раҳбарининг ёндашувлари қўшни ва ҳамкор давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, минтақадagi ижобий ўзгаришларга асос бўлмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ўзаро ҳамкорликни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шакллардаги майдонларда фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, учала давлат БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйган. Шу нуқта назардан, Тошкент учрашувини нафақат Ўзбекистон, Туркия ва Озарбайжон, балки ушбу давлатлар жойлашган минтақалар ўртасидаги ишончли ва стратегик шериклик, яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги наватдаги салмоқли кадам бўлишига шубҳа йўқ.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва транспорт ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Боку — Тбилиси — Карс темир йўлининг транзит салоҳиятидан фойдаланиш Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Ҳозирги пайтда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа ишга тушса, иккала йўлакни боғлаш имконияти яратилади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли йўлагининг Транскавказ йўлаги билан боғлиқлиги мамлакатларимиз ўртасида ягона транспорт тармоғини яратиши ва Хитойдан Европага савдо географиясини кенгайтиради. Айнан шу боис ҳам Ўзбекистон Осиёдан Европага энг қисқа куруқлик йўлини таъминлаш мумкин бўлган Зангезур йўлагининг тикланишидан манфаатдор.

Ўзбекистон ташки сиёсат мақамаси раҳбари вазифасини бажарувчининг айтишича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг шу йил 15-16 сентябр кунлари Самарқандда бўлиб ўтadиган саммитида тегишли уч томонлама ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

Музокаралар якуни бўйича уч мамлакат ташки ишлар вазири тарихий Тошкент декларациясини имзолади. Томонлар бир-бирларининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қонғий ва сўзсиз қўллаб-қувватлашини тасдиқлади. Вазирлар, шунингдек, транзит салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш мақсадида халқаро транспорт йўлақларини ривожлантиришга келишиб олди. Ахборот-коммуникация тузилмалари, савдо ва сармоғавий алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Мамлакатлар иқтисодиётларини коронавирусдан кейинги босқичда тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Биз ва жаҳон

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР УЧУН КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛМОҚДА

Шу йилнинг 2 август куни Тошкентда “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия” шаклида ташки ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари, шунингдек, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг амалий механизmlарини ишлаб чиқиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, ташки сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, савдо-иқтисодий ва сармоғавий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўналишларида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ташки ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов

учрашувни очар экан, халқаро муносабатлар ва глобал иқтисодиётда кенгаётган жадал ва раёвларни инобатга олган ҳолда “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия” мулоқот майдончасини яратишга ҳар қачонгидан ҳам эҳтиёж юқорилигини таъкидлади.

Ташки сиёсат маҳкамаси раҳбари вазифасини бажарувчи мазкур учрашув арасида ўзаро муносабатларимиздаги гоғат муҳим воқеалар — Туркия Президенти Реже Таййип Эрдоғанининг 2022 йил март ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг жорий йил июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтгани алоҳида таъкидланди. Уч давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва белгилаб берган ҳамкорлик йўналишлари самарасида сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Озарбайжон ва Туркия билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, стратегик аҳамияти янада юксалди, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очилди.

Мамлакатлар ва ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида шерикликнинг ушбу шаклига мунтазамлик мазмунини касб эттириш ва ҳар йили уч давлатнинг бирида навбатма-навбат учрашувлар ўтказиш тақлифи илгари сурилди.

Озарбайжон ташки ишлар вазири Жайхун Байрамов,

ўз навбатиди, мамлакатларнинг икки томонлама муносабатларидан ташқари, ташки ишлар, иқтисодиёт ва транспорт вазириликлар иштирокидаги ушбу ноёб ҳамкорлик шаклининг ривожлантирилиши тармоқлараро алоқалар, иқтисодий ва савдо муносабатлари, трансчегаравий тадбиркорлик фаолиятидаги ришталарни кенгайтиришга хизмат қилади, деган фикрни билдирди.

“Биз Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу учрашувни ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз ва Ўзбекистон раҳбариятига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирамиз”, деди Озарбайжон ТИВ раҳбари.

Туркия ташки ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли иқлим, энергетика ва озиқ-овқат инқирозы таъсири барча минтақда сезилаётганига эътибор қаратиб, бундай вазият хавф солиши билан бир қаторда янги имкониятлар тақдим этаётгани ҳақидаги фикрни ўртага ташлади.

“Халқаро майдондаги рақобат муҳити чуқурлашиб бораётганига қарамай, Евроосиё ва тарихий Ипак йўли яна марказий савдо йўлига айланмоқда, — деди у. — Дунёдаги энг йирик бўлган Осиё — Европа савдо ҳажми кунига

1,5 миллиард доллар, йилига 500 миллиард долларга етмоқда. Мамлакатларимиз ушбу тижорат оқимининг марказида жойлашган”.

Уч мамлакат иқтисодиёт вазирилари томонидан ўзаро савдо ва сармоғавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, савдо-иқтисодий ва сармоғавий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўналишларида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, жумладан, транспорт-коммуникация соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш орқали кенгайтирилиши кутилмоқда.

Сўнгги беш йилда уч томонлама тоқар айирбошлашнинг умумий ҳажми қарийб икки баробар ортиб, бугунги кунда 3,5 миллиард долларга етгани таъкидланди.

Томонлар ушбу кўрсаткичнинг яна бир неча қарра ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳақида яқдил фикр билдирди. Бунда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, мамлакатларимиз аъзо бўлган Туркий давлатлар ташкилоти томонидан яратилган мавжуд асос алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон инвестициялар ва ташки савдо вазирининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашишда кучларни бирлаштиришга оид ташаббусларни илгари суриди.

“Бундан ташқари, “яшил иқтисодиёт” соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайтириш масалалари ҳам кун тартибиди бўлиши керак”, — деди у.

Озарбайжон иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов, ўз навбатиди, мавжуд стратегик шериклик уч давлатга иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятини тақдим этаётгани, бу алоқалар изчил ривожланиб бораётгани эътирофга молик воқеалик эканини таъкидлади.

“Сиёсий ирода,

халқларимиз ўртасида тарихан шаклланган қардошлик муносабатлари, улкан иқтисодий салоҳият ва ўзаро манфаатдорлик шериклигини янада чуқурлаштириш учун қўлай шарт-шароит яратди, — деди вазир. — Шу муносабат билан ушбу уч томонлама майдонча ўта муҳимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам мустаҳкамланишига ишонамиз”.

Туркия савдо вазири Меҳмет Мўши уч томонлама учрашув натижаларини юқори баҳолади.

“Бугунги учрашувда қабул қилинган қарорлар мамлакатларимиз ўртасидаги, жумладан, ҳудудлараро ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилади, — деди Туркия Савдо вазири Меҳмет Мўши. — Мамлакатларимиз умумий ялпи миллий маҳсулоти 900 миллиард доллардан юқори экани, аҳоли сони 130 миллионни ташкил этиши нақадар салмоқли салоҳиятга эга эканимиздан далолат бериб турибди.

Бизнинг Озарбайжон ва Ўзбекистон билан имзолаган имтиёзли савдо шартномаларимиз мазкур салоҳиятни рўёбга чиқаришга катта аҳамият бераётганимизни ифодоламоқда. Келгусида ушбу келишувлар кўламининг кенгайтирилиши билан савдо алоқаларимизда янги давр бошланади, деб ҳисоблайман”.

Тарихдан маълумки, туркий тили халқлар истиқомат қилган ҳудудлар минг йиллар давомида Шарқ билан Фарб, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Шу боис мамлакатларимизнинг минтақалараро транспорт йўлақларини ривожлантиришга бўлган интилиши алоҳида долзарблик касб этади.

Учрашувда Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳамов “Туркия — Кавказ — Марказий Осиё — Афғонистон орқали Жанубий Осиё” янги мультимодаль коридорини шакллантириш ташаббуси билан қичди.

“Жанубий Осиё давлатларининг қисқа ва ўрта мuddатли истиқболда ўсиш суръатларини тезлаштириш учун ниҳоятда юқори салоҳиятга эга эканини ҳисобга олиб, Жанубий Осиё мамлакатлари билан юк ташишни ривожлантириш

бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарур, — деди вазир. — Айни пайтда Афғонистон ҳудуди орқали Покистонга юк ташиш учун қўлай имконият мавжуд. Шу боис мамлакатимиз транспорт компаниялари босқичма-босқич ушбу йўналишни ўзлаштириб, Афғонистон ҳудуди орқали юк ташишни бошлаб юборди.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Покистон — Афғонистон — Ўзбекистон йўналиши бўйича юк ташишининг ўсиш суръати сезиларли даражада ошмоқда. Биргина 2022 йилнинг биринчи ярмида ташилган юклар ҳажми 2,6 баробар ошди, 330 минг тоннани ташкил этди”.

Озарбайжон рақамли ривожланиш ва транспорт вазири Рашад Набиев, ўз навбатиди, глобал геосиёсий воқеалар шароитида Ўрта йўлакка қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлади. У 2022 йилнинг биринчи чорагида мазкур коридор бўйлаб 266 минг 300 тонна юк ташилгани, бу 2021 йилнинг шу давридагига нисбатан 123 фоиз кўп бўлганини ургулди.

“Озарбайжон, Туркия ва Марказий Осиё минтақаси учун муҳим ташаббус Зангезур йўлагининг очилиши бўлиб, у Ўрта йўлакнинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга сезиларли таъсир кўрсатиши ва минтақанинг транспорт-коммуникация харитасида стратегик ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин, — деди у. — Зангезур йўлаги энг қисқа ва хавфсиз транзит йўлаги бўлиб, Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги транспорт алоқаларини Европага йўналтиришни таъминлайди”.

“Биз мамлакатларимиз иқтисодиёти, тароққиёти ва фаровонлиги беқиёс ҳисса қўшаётган Ўрта коридорга катта аҳамият бераёмиз, — деди Туркия транспорт ва инфратузилма вазири Одил Қораисмоилўғли. — Осиё ва Европа ўртасидаги Ўрта йўлак халқаро савдо жараёни учун фойдали ва хавфсиздир. Биз имкониятларни тезкор боғлаб, юзга келаётган талабга тезкор жавоб беришимиз керак”.

Ўзбекистон ташки ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов учрашув якуни бўйича матбуот учун баёнот бериб, томонлар ушбу мулоқот шаклининг юқори самарадорлигини биргаликда таъминлаш бўйича келишувга эришгани, бу эса туркий тили давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлади.

— Биз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонни тинч йўл билан тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириши зарурлиги, афғон халқи манфаатлари йўлида инклюзив ҳукумат яратиш муҳимлиги, ушбу жараёнда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи роляга эга бўлиши кераклиги тўғрисида яқдил фикр билдирди, — деди Ўзбекистон ТИВ раҳбари вазифасини бажарувчи. — Иқтисодиёт, савдо, сармоғавий ва транспорт, жумладан, барча турдаги транспорт ва транзит коммуникациялари соҳасидаги шериклик салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича ҳамкорлик қилишга бел боғланганимиз. Делегацияларимиз саноат кооперацияси, рақамли иқтисодиёт ва савдо соҳаларида амалий алоқаларни чуқурлаштиришга келишиб олди.

Учрашув якунида Тошкент декларацияси имзоланди. Ҳужжатда томонлар минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, иқтисодиёт, савдо, инвестициялар ва транспорт соҳаларидаги алоқалар, шу жумладан, барча турдаги транспорт ва транзит коммуникациялари йўналишида мавжуд салоҳиятнинг тўла рўёбга чиқариш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришда қатъийлигини, ўзаро манфаатли соҳаларга сармоғавий кирайтириш янада рағбатлантиришга тайёр эканини, саноат, дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли савдо соҳаларида амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдор эканини билдирди.

Декларацияда томонлар ўзаро манфаатли бошқа масалалар бўйича ҳам ўз режаларини тасдиқлади.

Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташки ишлар, иқтисодиёт ва транспорт вазириларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи учрашувини мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш жараёнида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва амалий натижаларга эришишга эътиборни кучайтириш муҳимлигини намоийш қилди.

Сенат қўмиталарида

САМАРАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзолари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибиятлар мудирлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар, шу жумладан, "Давлат қарзи тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.



Таъкидланганидек, ушбу қонун билан давлат қарзи ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари устуворлиги, давлат қарзи чекланган ҳажмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат қарзини бошқаришдаги ваколатларини белгилаш назарда тутилган. Мазкур қонунни ишлаб чиқишда давлат қарзини бошқаришда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича самарали яхлит тизимни яратишга алоҳида эътибор қaratилгани айниқса, диққатга сазовор.

Қонун билан давлат қарзи суммасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг юқори миқдори 60 фоиздан ошмаслиги, давлат қарзи ҳисобидан фақат ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш мумкинлиги белги-ланмоқда.

Эътиборлиси, ушбу ҳужжат нормаларига кўра, давлат қарзини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, Марка-

миллий маъруза ҳам муҳокама қилинди.

Айтиб ўтилганидек, мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотларга қарамасдан, коррупциявий ҳолатлар иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда камаймаётир. 2022 йилнинг 6 ойида давлат харидларида бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳамда бошқа коррупция қўриқчилари билан боғлиқ 95 та жиноят фош этилиб, давлат манфаатларига 55,2 млрд. сўм миқдордаги зарар етказилгани бунинг яққол исботидир.

Қонун бузилиши ҳолатлари тендер харид савдоларида ҳужжатларни сохталаштириш, маҳсулотларни сунъий қиммат наҳсларда сотиб олиш ҳамда 5,2 млрд. сўмлик харид қилинган маҳсулотларни қирим қилмаслик, иш ва хизматларни бажармаслик, қўшиб ёзиш ёки етказиб бермаслик сингари қўриқчиларда намоён бўлмоқда.

Мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

КОРРУПЦИЯ ОҚИБАТИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТГА 1 ТРЛН. 282 МЛРД. СЎМЛИК ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуққ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида шу ҳақда алоҳида айтиб ўтилди.

Бу рақам Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузада келтирилган бўлиб, мазкур масала сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар томонидан атрофида муҳокама қилинди.

Айни чоғда мазкур масала Сенатнинг гадагги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Мажлисида таъкидланганидек, юртимизда коррупцион жиноятларга қарши олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида 2021 йилда республика бўйича коррупцияга оид 3 минг 769 та жиноят иши судларга юборилган. Ушбу жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 1 трлн. 282 млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилдагига нисбатан уч баравар ошган.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда коррупцион жиноятлари яширишга қарши жиддий кураш олиб боришмоқда. Бу эса коррупцияга қўл урмоқчи бўлган шахсларга нисбатан жиддий оғоҳлантириш.

Тахлилларга кўра, коррупцияга оид жиноят-

лар кўпроқ Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда банк тизими ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган. Худудлар кесимида эса Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Навоий, Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси энг ёмон кўрсаткичлари қайд этган.

Мажлисида Тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилнинг биринчи ярми яқини бўйича ба-жарилши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Келтирилганидек, Давлат бюджетининг жами харажатлари 103 трлн. сўмга етган, амалга оширилган жами харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 29,9 фоиз ортган.

Муҳокама давомида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, муайян камчиликлар ва айрим бандлар ижроси кенгайтирилганлиги, ҳусусан, Давлат дастурининг I ва II бўлимларидаги 30 та мақсаддан 17 таси бажарилмагани танқид қилинди.

Яқинда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

СУД МАЖЛИСИ ҲАҚИДА «SMS-ХАБАР» ОРҚАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида қўрилиши кутилаётган масалалар қаторида, "Судларнинг фаолияти рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун юзасидан қўмита ҳулосасини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бу қонун билан жинорий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий суд ишлари бўйича тарафларнинг суд мажлисларида мобил видеоқонференцалоқ режимда қатнашининг процессуал асоси ва тартиби белгиланмоқда.

Жинорий суд ишларини юритишда, агар гувоҳ суд мажлисида видеоқонференцалоқ тизимида фойдаланган ҳолда иштирок этаётган бўлса, ундан тилхат олинмасдан, унинг қасамиди, унга ўз маъбуриятлари ҳамда жавобгарлиги тушунирилганлиги аудио ва видеоёзув орқали қайд қилиниши ва бу ҳақда суд мажлиси-

нинг баённомасида кўрсатилши назарда тутилмоқда.

Қўмита йиғилишида Тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил ярми яқини бўйича бажарилши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Уз навбатидида, тадбирда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан биринчи мартаба таъйёрланган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кенг муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан ерларнинг фақат аукцион орқали сотилиши белгилаши натижасида 2021 йилнинг биринчи ярмида ҳокимият вакиллари томонидан ер билан боғлиқ 28 та коррупцион жиноят содир этилгани ҳолда, йилнинг иккинчи ярмида шу турдаги жиноятлар 61 фоиз камайишига эришилгани айтиб ўтилди.

Утган йилда коррупцияга қарши мониторинг тадбирлари довомида аниқланган коррупция ҳолатлари юзасидан тўлган ҳужжатлар ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилиб, улар томонидан жами 49 та жиноят иши ва 24 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзга тилинган.

Мажлисида Халқ таълими вазириликнинг очиқликни таъминлашга оид норматив-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча уюштирилган навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари қизгин, конструктив муҳокамадан ўтказилди. Асосий эътибор тўғрисидаги ағал қиладиган қонунлари қабул қилиш, уларнинг ҳаётимиздаги таъсирчанлигини ошириш, бу борада аниқ механизм ҳамда ҳуқуқий кафолатларни қўллаш масалаларига қаратилди.

Мулкка доир муносабатлар тартибга солинад

Мажлисида дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

У парламент қўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжатга асосан киритилаётган ўзгартиришлар мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар махсус қонун билан тартибга солинаётганини инobatга олиб, Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларидаги "қонун ҳужжатлари" деган сўзлар "қонун" деган сўз билан алмаштирилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали Фуқаролик кодексидан назарда тутилган қоидаларнинг турлича талқин этилишининг олди олинади. Энг муҳими, мулкка бўлган ҳуқуқлари бекор қилиш ва мулкка доир муносабатлар тартибга солинишига эришилади.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасини маромига етказиш юзасидан ўз тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди. Узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг ушбу ҳужжат қабул қилинди.

Фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланади

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

5 та боб, 34 та моддадан иборат мазкур ҳужжат билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тартиб-усуллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари белги-ланмоқда.

Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхати фуқаролар ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтириляпти.

Таъкидланганидек, ушбу белгила-наётган нормалар билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш ҳамда унга адвокатларни киритишнинг очиқ ва шаффоф механизмлари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилсиз электрон тизим орқали тасо-диғи танлаш тартиби жорий этиляпти.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатларини қучайтиришга, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишининг шаффоф тартибини жорий этиш ҳамда давлат томонидан ушбу мақсадда ажратиладиган маблағлар сарфланishi устидан самарали назоратни ўрнатишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Колониалардаги иш стажия умумий меҳнат стажига қўшилади

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида маҳ-қумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ман-



фаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамадан марказда бўлди.

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган ушбу ҳужжат озошликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга муво-фиқ тақомиллаштириш, меҳнатга жалб этилган маҳкумларнинг колониаларда иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий қилиш ҳамда маҳкумларнинг тузалаш йўлига ўтганини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, Солиқ кодекси ҳамда Жиноят-ижроия кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг, шу жумладан, ноги-ронлиги бўлган маҳкумларнинг ҳуқуқ доираси кенгайтирилиб, халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб қилинган маҳкумларга колониаларда иш стажини уларнинг умумий меҳнат ста-жига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этиляпти. Шу билан бирга, рағбат-лантириш, муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш чораларини кўриш унун асос бўладиган маҳкумнинг тузалаш йўлига ўтганини баҳоловчи аниқ мезонлар белгиланаётир.

Муҳокамадан давомида депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қили-ниши маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатлари ҳимоясини янада қучайтиришга асос бўлишини эътиборга олиб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Лойиҳадаги айрим нормалар баҳс-мунозараларга сабаб бўлди

Шунингдек, мажлисида "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан "Гаров тўғриси-да"ги Қонуннинг 47-моддаси биринчи қисмида "Ер участкаларини компенса-ция эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғри-сида"ги Қонунга тушунчаларни муво-фиқлаштириш мақсадида "давлат эҳти-ёжлари" деган сўзлар "жамоат эҳти-ёжлари" деган сўзлар билан алмашти-рилиши тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодек-сининг бир қатор моддаларини Ўзбекистон Республикаси Конститу-циясига мувофиқлаштириш мақсадида "қонун ҳужжатлари" деган сўзлар те-гишли келишидаги "қонун" сўзи билан алмаштирилипти.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун ком-пенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалаларида мулк ҳуқуқи кафолатларининг мустаҳкамлашига асос яратди.

Мажлисида қонун лойиҳасидаги ай-рим нормалар баҳс-мунозараларга са-баб бўлди. Халқ вакиллари ушбу ҳуж-жат юзасидан бир қатор асосланги-рилган тақлифлар берди.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи».)

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти:

Дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида

Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Асосийси, ШХТга аъзо давлатлар минтақадан тинчликни сақлаш, ўзаро савдо ва логистика муносабатларини ривожлантириш, товар айирбошлаш, экспорт-импорт ва халқароликнинг маданий-маърифий ҳамда дўстлик алоқаларини юксалтиришга интиляётгани эътиборга моликдир.

Фикр

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вази-рлари кенгаши йиғилишида Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкор-лик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш мақмувий ре-жаси, ўзаро боғлиқликни ривож-лантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича ҳам-корлик концепцияси, Ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурлари кўриб чиқилди. Бу ҳуж-жатлар ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 15-16 сен-тябрь кунлари Самарқанд ша-ҳрида бўлиб ўтадиган саммитида маълумлаши кутилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ШХТ-га аъзо давлатлар ташқи ишлар вази-рларини қабул қилар экан, бугун дунё оқибатларини прогно-лаштириш қийин бўлган, олдин-

дан айтиб бўлмайдиган туб тран-сформация жараёнларини бошидан кечиряётганини таъкид-лади. Президентимиз аънавий кооперация ва логистика занжи-рлари бузилаётгани, жаҳон мам-лакатларининг аксариятида озик-овқат ва энергетика хавфсизли-ғи соҳасидаги вазият кескинла-шиб, инфляция кўрсаткичлари шиддат билан ўсаётгани, ижти-моий-иқтисодий аҳвол ёмонла-шиб бораётганини кўрсатиб ўтди. Бундай мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарор тарақ-қиётга таҳдид солаётган замо-навий хатарларга мос равишда чора кўриш учун саъй-харажатлар-ни самарали мувофиқлаштириш ва кўп томонлама асосда яқин-дан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж кут-айиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Бундан кўриниб турибдики, ШХТ томонидан минтақани сиёсий, иқтисодий ва илмий-интеллектуал салоҳиятига кўра янада ривожлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак бўла-

ди. Бинобарин, ташкилот мамлакатлари ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг қарийб чорак қисми ва сайёраимиз аҳолисининг ярми тўғри келаётгани ҳам унинг са-лоҳиятини белгилаб турибди.

Шундай экан, минтақа ичида-ги савдонинг, саноат кооперация-сини рағбатлантириш, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик бўй-ича концепция ва дастурлар ишлаб чиқиш, "ашил иқтисодиёт", инновациялар, рақамли техноло-гиялар, логистика, кишлоқ ҳўжа-лиги, тиббиёт ва бошқа соҳалар-да қўша лойиҳалар тайёрлаш бугунги глобаллашув даврида жуда муҳимдир.

Эътироф этиш жоиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, бу — ўз халқи, мамлакати равнақи йўли-да ҳаракат қилаётган давлатлар-нинг ўзаро дўстлик ва қардош-лиқ уюшмасидир. Демакки, Ўзе-бекистон ШХТнинг кун тартибини бойитишга, минтақанинг барқа-рор ўсиши ва юксалиши учун мил-лий ривожланиш стратегиясини бирлаштиришга қаратилган та-шаббусларни тўлиқ қўллаб-қув-ватлашда давом этади.

Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МОБИЛЬ НАВБАТЧИ РЕАНИМАЦИОН БРИГАДАЛАР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 11, 16, 17-моддалари ижроси Самарқанд, Навоий ва Тошкент вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибидида ўрганиш якуналари муҳокама қилинди.

Сарҳисоб

Таъкидланганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оши-рилаётган кенг кўламли ислохотлар до-ирасида аҳолининг репродуктив са-ломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жинсий ҳаётда маъ-навий баркамол авлодни вояга еткази-ш масалалари ҳам устуворлик касб этмоқда.

Назорат-таҳлил ўрганиш натижалари-га кўра, Самарқанд, Навоий ва Тош-кент вилоятларида муайян ишлар ба-жарилган.

Хусусан, аҳолининг репродуктив са-ломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича қабул қилинган мақсадли миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Болаларнинг ир-сий ҳаётда тулма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида

ҳудудий скрининг марказлари, туман ва шаҳарларда пренатал хоналар фаоли-ят юритилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқоти давомида юклатил-ган вазифаларни амалга ошириш юзасидан белгилаган чора-тадбирлар доирасида ҳам репродуктив ёшдаги ҳамда ҳомилдор аёлларга кўрсати-лаётган тиббий ёрдам сифатини яхши-лаш ва кўламини янада кенгайтириш борасида 46 та тўғуруқ бўлими негиз-ида ташкил этилаётган туманлардо перинатал марказлар фаолиятини та-комиллаштириш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, жой-ларда фуқароларнинг репродуктив са-ломатлик бўйича билимлари ва тиб-бий маданиятини юксалтириш, оналик

ҳамда болаликни муҳофаза қилишда кадрларни тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э. Боситхонваннинг "БМТнинг Барқа-рор ривожланиш мақсадлари учини мақсади (соғлом турмуш тарзини таъ-минлаш ва барча ёшдаги қишлоқнинг фаровонлигига қўмақлашиш) ижроси бўйича" ахбороти ҳам эшитилди.

Таъкидланганидек, Барқарор ривож-ланиш мақсадларидаги оналар ўлими кўрсаткичини қисқартириш, янги туғил-ган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимни камайти-риш мақсадида республикада оналик ҳамда болаликни, туғиш ёшдаги аёл-ларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, чақалоқлар туьма нуқ-сонлар билан туғилишининг олдини олиш, болаларга кўрсатилаётган тиб-бий хизматлар сифат ва самардор-лигини ошириш бўйича тизимли иш-лар йўлга қўйилган.

Мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш бўйича ўтган уч йилнинг ўзида 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат — 2 та қонун, давлатимиз

ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ТУШУНТИРИЛДИ

Кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида Олий Мажлис Сенати фаолияти тубдан янгиланди. Бунинг парламент юқори палатасининг мурожаатлар билан ишлаш йўналишидаги фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ўрганиш

Ёдингизда бўлса, бундан бир оз муддат илгари интернет тармоқларида Чинора Абдиеваннинг Ўзе-бекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш билан боғлиқ мурожаати эълон қилинган эди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан зуд-лик билан ўрганиш олиб борилди.

Ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди: Чинора Абдиева 1977 йил 12 февралда Қирғизис-тон Республикасида туғилган, ушбу давлат фуқаро-си. У 2021 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси фуқароси Умалати Тоғаев билан қонуний никоҳдан ўтган. Айни вақтда ушбу оила Наманган вилояти-нинг Чуст туманида яшаб келмоқда. Қолаверса, Ч. Абдиеваннинг Ўзбекистон Республикаси фуқаро-лигини олиш масаласида Чуст тумани ИИБ Мигра-ция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига бел-гилаган тартибда мурожаат қилгани ҳам маълум бўлди.

Ш

ҲАЁТИ, ТУРМУШ ТАРЗИ, ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИ ЮКСАЛАЁТГАН ХАЛҚ

Ўтган ойнинг бошида Қорақалпоғистонда содир бўлган кўнгилсиз воқеалар ҳар бир ўзбекистонликни чуқур қайғуга солди. Айрим ивogarлар таъсирида юз берган талатўппалар лоқайдлик ва бепарволик қандай ноҳус оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яна бир бор кўрсатди.

Ана шу таҳликали вазиятда Президентимиз Шавкат Мирзиёев прагматик сийсатчи эканини яна бир марта намойён этиб, тинчлигимиз, барқарорлигимиз йўлида қатъий қадам қўйди. Нукусга, воқеалар марказига келиб, барча масалани бирма-бир муҳокама қилиб, аниқ ечимларни ўртага ташлади. Олиб борилган ишлар натижасида ҳозирги кунда ҳудудда вазият бутунлай барқарорлашди.

Нуктаи назар

Бугун, таъбир жоиз бўлса, лойқалар тиниб, аёнлашмоқдаки, бу номақбул ишлар бир гуруҳ мақсади бузуқ кучлар томонидан аниқ сценарий асосида уюштирилган. Чунки ўзбек ва қорақалпоқ халқлари узок асрлар мобайнида ҳақиқий оға-ини бўлиб яшаб келмоқда. Бу икки халқ маънавий-руҳий яқинлигини белгилайдиган асосий омил — мақсадлар муштараклиги, кўнгиллар яқинлигидир. Тиллар яқинлиги диллар яқинлигига олиб келган. Маданиятлар бир-бирини бойитган. Шу асосда ўзаро ҳамкорлик, ягона иқтисодий макон, вобаста орзу-маслак вужудга келган.

Тарихан Оролбўйи ҳудудлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига алоҳида ўрин тутади. Бу ерларда умргузаронлик қилган қорақалпоқ халқи доим юртимизнинг таянч тоғларидан бўлган. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бошқа ҳудудлар қатори Қорақалпоғистоннинг ривожланишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда республика пойтахти — Нукус шаҳридан бошлаб, туманлар марказлари, шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто чекка овулларгача, ҳар бир хонадонга ислохотлар кириб борди. Бунда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқиш, изчил амалга оширилётган Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтиш керакки, бу дастурлар республикани асрлар давомидида оддий аграр ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфраструктуралар, транспорт-коммуникация тармоқлари, юксак малакали кадрларга эга бўлган қудратли минтақага айлантиришни назарда тутди. Дастурларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ замини бугунги кунда таниб бўлмаган даражада ўзгариб, йилдан-йилга чириб очиб, барқарор сурьятларда таракқий этаётган дегирга айланди.

Охириги беш йилда ҳудуднинг маҳаллий бюджетига қарий 11 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим дастурлар изчил амалга оширилди. Камбағалликни қисқартириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “темир дафтар”га киритилган 65 мингга яқин оилаларга, 16 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган аъзоси бор ҳамда боқувчисини йўқотган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Биргина 2020 йил якуни бўйича Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўри келадиган ялғи даромад 3 баробар ошди.

Бу даврда қурилиш ишлари ҳажми 3,5 марта ўсди. Унаб янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий агрокластерлар, қўшма корхоналар ишга туширилди. Республикада минглаб янги объектлар барпо этилди, реконструкция қилинди ва таъмирланди. Жумладан, кўплаб болалар боғчалари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, имфан, маданият ва спорт масканлари фойдаланишига топширилди. Боча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилдаги 32 фоиздан 75 фоизга етди.

Қорақалпоғистон заминда амалга оширилган улкан иқтисодий-ижтимоий

ўзгаришлар, қурилиш ва ободончилик ишларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Марказий Осиёда ягона бўлган, “Сахро бағридаги мўъжиза” деб ном олган Қўнғирот сода заводи, “Lanextrakti” қўшма корхонаси, “Нукус Мед Тек” МЧЖ, Хўжайли шиша заводи, “Марказий Осиё безак тошлари” қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги қарбид, Нукусдаги маиший техникалар, мрамар



Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ва кабелъ заводлари, ўрга газ кони, “Элтекс” ва “Катекс” мажмуалари каби замонавий ишлаб чиқариш объеклари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, Тошкент ахборот технологиялари университетидаги Нукус филиали, Олимпия захиралари коллежи бинолари, 345 километрлик Навоий — Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобиль йўли, ўнлаб умумтаълим ва мактабгача таълим муассасалари, лицей ҳамда коллежалар, болалар спорти, мусиқа ва санъат мактаблари сингари кўплаб иншоотлар — буларнинг барчаси истиқлол меvasиди.

Миллий автомагистраль қурилишида улкан воқеалардан бири — бу шу йўлнинг Нукус шаҳрига кираверишида янги кўприк ва чорраҳанинг бунёд этилганидир. Устойрт газ-кимё мажмуаси нафақат миллий иқтисодиётимиз, балки дунё миқёсидаги улкан лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Энг муҳими, қорақалпоқ халқи асрлар давомидида орзу қилиб, интилиб келган эзгу мақсади етди — оозод ва эркин, тинч-осуда ҳаётга эришди, ўз тарихи, маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларини тиклаш, ривожлантириш, ўзлигини англаш имконига эга бўлди.

Қорақалпоғистон халқи давлатимизнинг доимий эътиборида. Оролбўйидаги экологик муаммолардан азият чекаётган юртдошларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Мўйноқ мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан бири. Энг яқин шаҳар — Қўнғиротгача 100, Қорақалпоғистон маркази — Нукусгача 200 километр масофа бор. Бу коммуникацияда қийинчилик туғдириши табиий. Шу боис мўйноқликларнинг ҳаёти, шароитлари ва давлатимиз раҳбарининг эътибори бошқача. Бу ҳудудни ривожлантириш бўйича иккита қарор қабул қилиниб, манзилли дастурлар амалга оширилди. Президентимизнинг ўзи ҳам бир неча бор Мўйноққа ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерга ҳар сафар ташриф буюрганида ҳудудни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қатор лойиҳаларни илгари суради. Мазкур ташаббусларга мувофиқ, ҳудудда транспорт коммуникациялари яхшиланмоқда. Автомобиль йўллари таъмирланди. Мўйноқ



аэропорти янгиланиб, ишга туширилди. Бу “хаво порти” 1947 йилда қурилган бўлиб, илгари кичик самолётларни қабул қилган. Кейинчалик умуман ишлатилмай ҳам қолган эди. Янгиланган аэропортга илк бор Ўзбекистон Президентининг самолёти келиб қўнди. Энди Тошкент — Мўйноқ — Нукус авиакатнови йўлга қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан бирга хизмат турларини кенгайтиришда солиқ имтиёзлари берилмоқда. Бу икки туризм ривожига, иш ўринлари очилишига хизмат қилади. Бу ерда истироҳат боғи қурилади, қўшма кувур тортиб келинади. Кексалар санаторийга, болалар ором-



гоҳларга юборилади. Бу ерга келиб ишлайдиган шифокорларга ойлик устама-лар бериш, уй билан таъминлаш белгиланган.

Қорақалпоғистонда бир пайтлар денгиз ва унга туташ дарёлар, яйловлар одамларга ризқ улашган, иш, даромад манбаи бўлган. Лекин табиат қонунларига аралашиб, Амударё ва Сирдарё сувини тўсиш дунёдаги оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Минтақада чўланиш ва шўрланиш даражаси кескин ортди. Ўсимлик ва ёввойи ҳайвонлар тури камайиб кетди. Глобал исил муаммоси кучайиб, ёвгарчилик камайётган бугунги асримизда Орол денгизини қутқариш тобора имконсиз бўлиб бормоқда. Бундай шароитда ягона йўл — борини асраб қолиш, фожиа таъсирини камайитириш, одамлар ҳаётини осонлаштириш. Давлатимиз раҳбари бу бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Сессияларида гапирди, халқаро саммитларда муҳим тақлифларни илгари суради. Шу билан бирга, ўз имкониятларимизга таяниб, амалий ишлар ҳам олиб боришмоқда. Жумладан, Орол денгиз-

Очиғини айтганда, Нукусдаги воқеаларнинг қайси сабаблар билан юз берганини, бунга қандай қилиб йўл қўйилганини ўйлаб, ўйимизнинг адоғига етолмаймиш. Ахир ҳаёти, турмуш тарзи, орзу-мақсадлари юксалаётган халқ бу ўзгаришларга норози бўлиши мумкинми?! Йўқ, асло! Бугун Қорақалпоғистон Республикасида вазият барқарорлашиб, ҳудуд аҳолиси одатдаги ҳаёт тарзига қайтган бўлса-да, оғоҳлик ва ҳушёрликни бир зўм ҳам йўқотмаслигимиз даркор. Эндиги қадамларимиз фақат теран ақл, оғир-вазминлик, соф тафаккур асосида қўйилиши зарур.

Зеро, тинчлик — энг олий незматдир. Тотувилик ҳўкм сурган юртда ривожланиш ва инсон кадри улуг бўлади. Биз — икки қардош миллатимиз, иноқлигимиз ҳеч бир ташқи куч раҳна солишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

зининг қуриган тубидан миллионлаб тонна чанг ва захарли тузлар кўтарилиб, катта ҳудудга тарқалар эди. Шавкат Мирзиёев 2018 йили Мўйноққа ташрифи чоғида олимлар билан маслаҳатлашиб, у ерда шўрга чидамли ўсимликлар экиш вазифасини белгилади. Натижада ўтган йилларда денгизнинг сув қуриган қисмида 1 миллион 524 минг гектар тўқайзор барпо этилди. Бунинг учун саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан қарий 6 минг тонна уруғ тайёрланиб, қийин шароитларда экилди. Бу ишларда 4 мингдан зиёд ишчилар қатнашиб, 1 минг 600 дона техника, самолётлар жалб қилинган. Бу хайрли, долзарб ҳаракат давом эттирилмоқда.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тарихи муштарак, удумлари, тили бир. Халқларимиз ўтмишда оғир замонларни, ғуборли кунларни кўп кўрди. Қорақалпоқлар тарихда мустамлакачилар зўравонлигидан неча марта азият чекди, кўчди, бўлинди, уюшди ва қайғу-ҳарсатда яшайди.

Совет ҳукумати пахтани халқ бошига тушган балога айлантди. “Оқ олтинни олтин қўллар яратади”, деб мақтаб, ҳатто томининг устига ҳам пахта эктирди. Пахтадан “оқ олтин”, шолдан “сарик олтин” олиб, халқни бойлатимиз деб, Орол денгизидан айирди. Унинг захарли, тузли чангларида турли хил касалликларга гирифторм қилиб, генофондини зарарлади.

Мана энди Президентимиз Шавкат Мирзиёев қорақалпоқларнинг бу кўз ёшларини, азобли ўтган замонини ва ҳозир ўзбек халқи билан абадий дўстлигини теран баҳолаб, бугун Ўзбекистонни, жумладан, унинг ажралмас қисми ҳисобланган Қорақалпоғистонни иқтисодий, ижтимоий, маданий тарафдан юқори чўққилар сари етакламоқда. У президентлик лавозимига киришганидан бошлаб Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор қаратди. Республиканинг дахшатли ахволга тушганининг энг биринчи сабаби Орол муаммоси эканлигини таъкидлаб, бу масалани ҳал қилишдаги халқаро режаларга, илмий стратегияларга, Оролни қутқариш ташкилотларининг ишига кўнгил тўлмай, унга ечим топишининг энг стратегиясини тақлиф қилди. Шавкат Мирзиёев Орол фожиасини бартараф қилиш учун муаммонинг фақат оқибати билангина эмас, унинг сабаби билан курашиш йўлини кўрсатди. Оролнинг қуриб қолган майдонини ўсимликлар билан қоплаб, тузли, захарли тўзонни тўхтатиб, унинг ўрнига “яшил иқтисодиёт”ни ташкил этишни илмий асослаб берди. Бу ўтқир фикр дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди ва башарият тарихида инсон донишмандлигининг энг улкан ютуғи сифатида баҳоланди.

Президентимиз ташаббуси билан Орол муаммосига қарши курашда бугун дунё давлатларининг бирлигини ташкиллаштирган БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг таъсис этилишига эришилди. Марказий Осиё минтақасида сув муаммосини тенг ҳисобга олишининг ақлга мувофиқ эканлигини кўрсатиб, Қорақалпоғистонни сувсизликдан қутқариш. Президентимизнинг бетимсол донолиги билан халқнинг йўқолиб бораётган умидларни тикланди, келажакка ишончни кучайди.

Байрамбай ОТЕМУРАТОВ, Ажиниёв номидаги Нукус давлат педагогика институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантиришда молия муассасаларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Хусусан, “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Андижон вилоятида амалга оширилаётган муҳим лойиҳалар юзасидан ўтказилган пресс-тур давомида бунга яна бир бор амин бўлдик.

«Ўзмиллийбанк» АЖ: КАФОЛАТЛИ, ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР

Банкнинг Андижон вилояти филиали 30 йил мобайнида иқтисодиётимизда ижобий ўзгаришлар юзага келишида, ҳаётий ислохотларни жойларда татбиқ қилишда ҳамда улкан инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда локомотив ташкилот сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ажратилган кредит маблағлари туфайли ҳудудда текстиль фабрикалари, йирик сиймилли замонавий музлаткичлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари, умумий овқатланиш масканлари очилди.

Биргина 2021 йилнинг ўзида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда 471,1 млрд. сўмлик 172 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратилиши натижасида 53 минг 420 та иш ўрни яратилган. Мижозларга кўрсатилаётган сифатли хизмат турлари сабаб жорий йилнинг 1-чорагида вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажми 8 трлн. сўмини ташкил этиб, ўсиш сурьати 111 фоизга етган. Бу эса 19,1 мингта янги иш ўрни очилишида бош омил бўлиб хизмат қилди.

Банк томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эътибор ва моддий кўмак туфайли Андижон шаҳридаги “MAHMUD EVRO DENT” корхонасида 10 та иш ўрни яратилди. Бунда банк 1 млрд. сўм миқдоридagi кредит маблағи билан таъминлагани қўл келди. Молиявий кўмак туфайли корхонага хориждан энг илгор ва замонавий стоматология усуналари харид қилинди. Лойиҳа ишга туширилган, бир кунда юзлаб мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундан, табиийки, аҳоли ниҳоятда мамнун.

— Бугун мижозларда хизмат кўрсатувчи ни танлаш имконияти бор, — дейди Андижон шаҳридаги Абдурауф Фитрат кўчасида истикомат қилувчи Санобархон Абдураҳмонова. — Шахсан ўзим “MAHMUD EVRO DENT” хизматидан фойдаланишимнинг боиси бу ерда замонавий шарт-шароит мажмууд ва хизмат кўрсатиш даражаси ҳам жуда юқори.

Андижон вилоятида автомобилсозлик соҳаси тараққий этгани сайин фуқароларнинг



Реклама ўрнида

донлаштириш ишларини ташкил этиш билан бир қаторда, дам олиш масканларида ташриф буюрувчиларга қулай шароит яратиш орқали ташқи ва ички туризм тобора шаклланиб бормоқда. Бу борада ҳам банкнинг қўллаб-қувватлови истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини яратяпти.

Хусусан, “Мунис сарой” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий дам олиш маскани Асака туманидаги энг файзли манзиллардан бирига айланган. Бу ерда бир кунда юзлаб мижозларга намунали хизмат кўрсатиламоқда. Бунда “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратилган 1 миллиард 900 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағининг аҳамияти катта, албатта. Ушбу молиявий кўмак мижозлар учун жаҳон талабларига мос хизмат кўрсатиш маданиятини вужудга келтирибгина қолмасдан, 30 дан зиёд янги иш ўринлари очилишига ҳам туртки бўлди.

Вилоятда ҳар бир туманинг ўз драйвер йўналиши бор. Масалан, Асака тумани бодорчиликка ихтисослаштирилган бўлса, Булқош тумани аграр соҳада пешқадам. Ёки Хонобод шаҳри сайёҳлик маркази маконини олгани ҳолда Хўжаобод тумани текстиль соҳасида энг йиллик тақриб мактабини яратган. Бугунги кунда ҳудудда ўнлаб корхоналар айнан шу йўналишда фаолият юритмоқда. Шулардан 11 таси республика миқёсидаги йирик ишлаб чиқарувчи объектлар ҳисобланади.

“Nil Granti” МЧЖ ана шулардан бири бўлиб, унинг махсуслотлари “Само” бренди



автомашина сотиб олишга бўлган эҳтиёжи ҳам ортмоқда. Шу боис корхоналар фаолиятини оммалаштириш учун истиқболли лойиҳанинг аҳамияти жуда катта, бироқ ҳар қандай тараққий негизида моддий база туриши сир эмас. Бу жиҳатдан ҳам “Ўзмиллийбанк” АЖнинг тадбиркорларга яратётган шароити ибратлидир. Асака туманидаги “KOLESO AVIA” масъулияти чекланган жамияти ўз келажagini ана шундай имкониятлар асосида мустақамлади.

— Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш ва жиҳозлаш учун жамиятимизга “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 1 миллиард 900 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди, — дейди тадбиркор Илхомжон Абдуғаппоров. — Бу эса қисқа муддатда корхонамизни барпо этиш, сифатли хизмат кўрсатишимизга асос бўлди. Ҳозирги кунда юзлаб мижозлар биз билан ҳамкорлик қилиб келяпти.

Сўнгги йилларда вилоятда сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришга бўлган эътибор ҳар доимгидан ортган. Тарихий обидларни таъмирлаш, келбрат жойларида обо-

остида нафақат Ўзбекистон, балки Осиё ва Европа давлатларида ҳам ўз харидорига эга. 2012 йилда ташкил топган ушбу корхона “Ўзмиллийбанк” АЖ билан доимий ҳамкорлик ўрнатган. Кўрсатилган 2 миллион 244 минг 854 евро миқдоридagi кўмак туфайли корхонада бир йилда 7 миллион дона трикотаж махсуслотларини тайёрлаш ва 10 тоннадан кўп бўялган мато етказиб бериш имконияти яратилди. Эътиборлиси, йиллик экспорт ҳажми 19 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Бугун юртимизда барча соҳада бўлгани каби банк тизимида ҳам шаффоф ва адолатли тизимга асос солинганки, пировардида, бу мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий йўналишлари ривож топишига хизмат қилаётди. Бундай юксалишларда эса “Ўзмиллийбанк” АЖнинг ҳам ҳиссаси беқийёс экани пресс-тур давомида яна бир бор амин бўлдик.

Саминжон ХАЛҚСОНОВ (Ж.ХАЛҚ СЎЗИ)

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

«Ипак йўли» АИТБ мулкни ва автотранспорт воситаларини ҳамда банк мансабдор шахслари жавобгарлигини ихтиёрий сугурта қилиш бўйича шартномаси тузиш учун сугурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади.

«Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки мулкни ва автотранспорт воситаларини ҳамда банк мансабдор шахслари жавобгарлигини ихтиёрий сугурта қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида сугурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй. Индекс: 100017. Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни 2022 йил 25 август соат 12.00 гача. Мурожаат учун телефонлар: 78-140-69-38, 78-140-69-00 (ички. 1255). E-mail: s.djuraev@ipakyulibank.uz

Масъул ходим: Джурзев Сарвар.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 848. 24 012 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахриратга келган қўёмалар тақриз қилннмайдн ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев. Мусахҳх — Ш. Маираббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.05 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6